



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки


Марказий банк бошқаруви
асосий ставкани
йиллик 14 фоиз даражасида
ўзгартиришсиз қолдириш
бўйича қарор қабул қилди.

Матбуот анжумани

2023 йил 4 май





2023 йилнинг дастлабки ойларида йиллик инфляция пасайишни бошлади




2023 йилнинг I чорагида **умумий** ҳамда **базавий инфляциянинг** йиллик кўрсаткичлари **пасаювчи динамикани намоён этди**. Хусусан, март ойида ушбу кўрсаткичлар мос равишда **11,7 фоиз** (декабрга нисбатан 0,6 ф.б. камроқ) ҳамда **12,9 фоиз** (декабрга нисбатан 0,9 ф.б. камроқ) даражасида шаклланди.

2023 йилнинг дастлабки ойларида товарлар гуруҳи нархлари ўсишининг секинлашиши умумий инфляцияни пасайишига хизмат қилди




Базавий инфляция ва унинг таркибидаги товарлар ва хизматлар нархлари ўзгариши (йўғма, ф.б.)


Базавий инфляция таркиби




Базавий озиқ-овқатлар таркиби



Базавий ноозиқ-овқатлар таркиби




Базавий хизматлар таркиби




ИНИ саватидаги товар ва хизматларнинг нархи 10 фоиздан юқори ошганларининг улуши ўзгариши


Умумий саватдаги улуши ўзгариши



буғдой уни ва унли маҳсулотлар ҳамда шакар ва қандолатчилик маҳсулотларисиз



Аҳолининг инфляцион кутилмалари




респондентларнинг улуши, фоизда

Омиллар	2022												2023		
	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен	окт	ноя	дек	янв	фев	мар
Валюта курсининг ўзгариши	37	49	54	43	26	25	33	35	42	44	51	49	42	46	51
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	31	28	23	22	39	34	29	31	28	27	28	35	24	24	38
Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	25	20	18	23	27	27	36	34	27	30	38	40	47	45	36
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	41	43	49	53	55	56	55	48	42	49	37	27	32	28	31
Турар жой ва ижара тўловларининг ошиши	15	14	11	14	11	11	12	15	18	22	22	20	19	18	18
Нархларнинг сунъий оширилиши	35	30	37	34	37	41	43	37	31	34	35	36	37	38	18
Супермаркет ва бозорларда нархлар фарқи юқорилиги	10	11	11	14	14	14	14	11	11	11	11	11	12	11	13

Март ойида аҳолининг келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан пасайиб, **14,4 фоиз** атрофида шаклланган бўлса, медиана қиймати ўзгаришсиз **11,5 фоизда** сақланиб қолди.

Келгуси даврда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **валюта курсидаги ўзгаришлар, иш ҳақи ошиши ҳамда ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши** таъкидланган.

Тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари




респондентларнинг улуши, фоизда

Омиллар	2022												2023		
	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен	окт	ноя	дек	янв	фев	мар
Валюта курсининг ўзгариши	37	43	51	41	24	19	34	33	39	44	48	49	44	48	50
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	26	21	17	21	30	29	23	26	23	22	24	30	21	25	34
Ёқилғи ва транспорт қимматлашиши	42	36	36	37	25	27	31	29	35	39	50	35	38	46	33
Хориждан хомашё етказиб беришдаги узилишлар	16	16	22	22	21	22	23	21	19	16	20	19	17	20	18
Иқтисодиётда рақобат муҳитининг ёмонлашиши	16	13	14	14	16	32	33	16	14	13	15	18	15	19	17
Импорт хомашёси қимматлашиши	20	18	22	14	14	24	28	22	21	21	32	15	17	17	17
Тижорий бино ва ижара тўловларининг ошиши	13	11	10	9	9	10	12	13	11	11	14	13	15	12	11


Март ойида тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари **14,1 фоизни** ташкил этди, медиана қиймати эса **11,7** фоиз атрофида шаклланди.

Тадбиркорлар ҳам **валюта курсининг** қадрсизланиши, **иш ҳақи ошиши** ҳамда **ёқилғи маҳсулотлари** нархлари ошиши келгусида инфляцияга асосий омил деб ҳисоблайди.

Трансчегаравий пул ўтказмалари (млн. доллар)




Аҳоли билан валюта амалиётлари (млн. доллар)




2023 йил январь-апрелда мамлакатимизга **3,1 млрд.** долларлик пул ўтказмалари кириб келган бўлиб, 2022 йил мос даврига нисбатан **20,8 фоизга ортиқ** бўлди. Ушбу даврда банкларнинг аҳолидан валюта хариди ва аҳолига валюта сотуви ўртасидаги **ижобий тафовут 0,5 млрд.** долларга тенг бўлди. Бунда, аҳолининг **валюта сотуви 3,3 млрд. долларни** ва аҳолининг валюта хариди 2,8 млрд. долларни ташкил қилди.

Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари

Иқтисодий фаолликнинг муқобил индекси




Кўчмас мулк бозорида битимлар сони (минг дона)




Иқтисодий фаолликнинг муқобил индекси 2023 йилнинг дастлабки 2 ойида ўтган йилги кўрсаткичлардан **пастроқ** (январда -5,3 ф.б., февралда -1 ф.б.) бўлиб, март ойида ўтган йилнинг мос ойига нисбатан **2,3 фоиз бандга юқори** бўлди. **Кўчмас мулк бозорида** 2023 йил I чорақдаги **уй-жой олди-сотди битимлари сони** қарийб ўтган йилнинг дастлабки чорагидаги кўрсаткичларга яқин бўлди.

Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари

Савдо ва пуллик хизматлардан тушумлар



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш




2023 йилнинг I чорагида савдо ва пуллик хизматлардан тушумлар 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **28,9 фоизга** (15,3 трлн сўм) ўсди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2023 йилнинг I чорагида **5,1 фоизга**, шундан, **озиқ-овқат товарлари** ишлаб чиқариш ҳажми **11,3 фоизга**, **ноозиқ-овқат товарлари** ишлаб чиқариш ҳажми **1,3 фоизга** ортиб, ўсиш даражаси нисбатан секинлашди.

Иқтисодиётда “нисбатан қатъий” пул-кредит шароитлари таъминланмоқда

Марказий банк асосий ставкаси




Банклараро пул бозори фоиз ставкаси




Асосий ставканинг март ойида йиллик 14 фоизга пасайтирилишига мос равишда асосий ставканинг реал даражаси апрелда 3,5 фоизгача пасайди. Пул бозоридаги реал фоиз ставкаси апрель ойида 2,9 фоизга тенг бўлиб, “нисбатан қатъий” пул-кредит шароитларини таъминламоқда (инфляциянинг келгуси 6 ойлик прогнози асосида).

UZONIA ставкаси тўлиқ фоиз коридори доирасида шаклланди

UZONIA бенчмарк ставкаси
динамикаси




Муддатли UZONIA ставкалари ва
UZONIA индекси




“UZONIA” бенчмарк ставкаси 2023 йил январь-апрелда ҳам тўлиқ фоиз коридори доирасида асосий ставкага яқин даражада шаклланди. UZONIAнинг асосий ставкадан бироз пастроқ даражада деярли тебранишларсиз шаклланиши кузатилган бўлиб, **умумий ликвидлик ҳажмининг юқорилиги** ва банкларнинг **нарх белгилаш жараёни** билан боғлиқ.

Ликвидликни бошқариш инструментлари

Ликвидликни тақдим этиш операциялари динамикаси




Ликвидликни жалб этиш бўйича депозит операциялари



Жорий йил январь-апрелда кунлик ўртача овернайт **РЕПО операциялари** ҳажми **730 млрд.** сўмгача ва овернайт **СВОП операциялари** ҳажми **160 млрд.** сўмгача кўпайди. Ушбу даврда **депозит аукционларининг** кунлик ўртача қолдиғи **3,1 трлн.** сўмни ташкил этган бўлса, овернайт **депозит операциялари** **1,4 трлн.** сўмга тенг бўлди.

Аҳолининг муддатли депозитлар динамикаси ойлик ўзгариш, фоизда



Жорий йил январь-апрелда ҳам аҳолининг **миллий валютадаги муддатли депозитларда** ўсиш суръатлари давом этиб, йил бошига нисбатан **16 фоизга** ўсди ва йиллик ўсиш **1,6 баробарга** тенг бўлди. Миллий валютадаги жамғармаларнинг ўсиши депозитлар бўйича шаклланган **ижобий реал фоиз ставкалари** билан изоҳланади.

Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари




Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари




2023 йил мартда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **20,5 фоизни**, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича эса **16,3 фоизни** ташкил этди.

Инфляция даражасини инобатга олганда депозитларнинг реал фоиз ставкалари жисмоний шахсларда **7,9 фоизга** ва юридик шахсларда **4,2 фоизга** тенг бўлди.

Депозитлар долларлашуви



Кредитлар долларлашуви




Марказий банк асосий ставкаси таъсирчанлигининг асосий омиллардан бири долларлашув даражаси ҳисобланади. Пул-кредит статистикаси бўйича ҳисоблаганда (ХВЖ методологияси асосида) депозитлар долларлашуви 2018 йил бошидаги 48,4 фоиздан 2023 йил 1 май ҳолатига 30,6 фоизгача пасайган бўлса, кредитлар долларлашуви 44,3 фоизгача қисқарган. Банк мажбуриятлари долларлашуви эса 52,6 фоиз даражасида юқори сақланиб қолмоқда.

Иқтисодиётга ажратилган кредитлар


Кўрсаткичлар	2022 йил январь- апрель	2023 йил январь- апрель	Ўзгариши
Ажратилган кредитлар (трлн. сўмда)	54,2	72,7	34%
Юридик шахсларга	36,7	43,4	18%
ЯТТларга	1,1	1,7	50%
Жисмоний шахсларга	16,3	27,5	1,7 б/б

2023 йилнинг ўтган 4 ойида тижорат банклари томонидан иқтисодиётга **72,7 трлн.** сўмлик (2022 йилнинг мос даврига нисбатан **34 фоизга** кўп) кредитлар ажратилди. Бунда, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар **1,7 баробарга** ошиб, 27,5 трлн. сўмга (улуши – 37,9%) тенг бўлди.

Ажратилган кредитларда имтиёзли кредитлар улуши




Кредитлар қолдиғида имтиёзли кредитлар улуши




Марказий банк асосий ставкаси таъсирчанлигининг яна бир муҳим омили **имтиёзли кредитлар** ҳисобланади. **Ажратилаётган кредитларда** имтиёзли кредитларнинг улуши 2018 йилдаги 49,1 фоиздан 2023 йил I чорақда **20 фоизгача** пасайган бўлса, унинг **жами қолдиқдаги улуши** 2018 йилдаги 55,8 фоиздан 2023 йил I чорақда **32,4 фоизгача** қисқарди. Имтиёзли кредитлаш амалиётининг қисқариб бориши пул-кредит сиёсати фоиз канали таъсирчанлигини ошириб боради.

Чораклик прогнозлаш (QPM) модели

Реал ЯИМ ўсиши прогнози



Инфляция даражаси прогнози



Янгиланган прогнозларга кўра, 2023 йил якунлари бўйича реал ЯИМ ўсиши дастлабки прогнозлардан кўра **1-1,5 фоиз бандга юқори** бўлиши бўйича эҳтимоллар ортмоқда. Янгиланган макроиқтисодий прогнозларда ҳам 2023 йилда йиллик инфляциянинг **8,5-9,5 фоиз** атрофида бўлиши ва 2024 йилда **5-6 фоизгача** пасайиши прогноз қилинмоқда.